

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт Вазирининг
Биринчи ўринбосари
Махкамов И.Р.



« 26 »

06

20 й.

2020 йилга
**«ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг
БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Юридик (корхонанинг почта манзили):
100167, Тошкент, Локомотивная кўчаси, 13

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Директори - Ашуров Алишер
Хамидович

Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи – Ананова Наталья
Александровна

МУНДАРИЖА

	Қисқача маълумот	3-саҳифа
1.	Муқаддима. «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК тўғрисида умумий маълумот: ҳуқуқий ташкилотчилик шакли, корxonанинг асосий функциялари ва вазифалари, корxона фаолиятига ташқи ва ички шароитларни таъсири, 2020 йилга Йўл харитаси, кутилаётган даромад ва харажатлар, 2019 – 2020 йилларга нисбатан молиявий натижалар	4 - 8-саҳифа.
2.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг молиявий – иқтисодий ҳолати (корxона даромадларининг структураси ва динамикаси, корxона харажатларининг структураси ва динамикаси, корxonанинг кредит мажбуриятлари)	8-17-саҳифа.
3.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг кўрсатиладиган, хизматлари («Ўзаэронавигация» Маркази ДУК томонидан кўрсатиладиган, асосий хизмат турлари бўйича ҳажм кўрсаткичлари, 2019 йил таҳлили, 2020 йилга прогноз, 2019 йил билан таққослаганда 2020 йилга хизматларни экспорт прогнози)	17-19-саҳифа.
4.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 йилга асосий фаолият кўрсаткичлари самарадорлигининг прогнози	20 - 21-саҳифа.
5.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг пул оқимлар	21 - 22 -саҳифа.
6.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг Инвестицион дастурлари	22-саҳифа
7.	Корxона фаолиятининг самарадорлигини ошириш	22 - 23 -саҳифа.
<i>Бизнес – режага Иловалар:</i>		
1-Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 йилга Йўл харитаси	9 варақда
2-Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2019-2020 - йилларга молиявий-иқтисод кўрсаткичлари бўйича таққослаш жадвали	3 варақда
3-Илова	Корxonанинг 2020 йилга чоракларга бўлинган молиявий режаси (прогноз ва тузатиш)	2 варақда
4-Илова	2020 йилга проноз ва кутилаётган экспорт	1 варақда
5-Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 йилга асосий фаолият кўрсаткичлари самарадорлигининг прогнози	2 варақда
6-Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 йилга пул оқимларининг прогнози	3 варақда
7-Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 – 2021 йилларга тузатилган инвестицион лойиҳаларининг Рўйхати	3 варақда
8-Илова	2020 йилга корxона харажатларини оптималлаштириш дастури	3 варақда

Қисқача маълумот

Ҳар қандай корхонанинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти билан танишиш учун, унинг фаолиятини ҳар тарафларини ўрганиш, шу асосда корхона фаолиятидаги ижобий ва салбий томонлари ҳақида ҳолис фикрни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш имкониятларини аниқлаш керак. Шу билан бирга, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини акс эттирадиган, унинг ишини молиявий натижаларига ва молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор асосий кўрсаткичларни ўрганиш керак.

Бизнес-режанинг мақсади - корхона Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришдан иборатдир; «Ўзаэронавигация» ДУКнинг 2030 йилгача ривожланиш стратегияси» билан белгиланган, 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш; «Ўзаэронавигация» ДУКнинг молиявий-ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш; корхонанинг инвестиция дастурларини амалга ошириш ва кредит мажбуриятларини тўлашда, таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилаётган хизматлар экспортини ошириш.

«Ўзаэронавигация» ДУКнинг 2020 йил учун Бизнес-режасини тузатиши «СОВИД-19» пандемиясининг корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

«Коронавирус» пандемияси дунёнинг барча мамлакатларининг авиация саноатига жиддий таъсир кўрсатди ва бу дунё авиакомпаниялари ҳаво кемаларининг парвозларини кескин камайишига олиб келди. Авиацион ташувларни кескин қисқаришига қарамасдан «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Ўзбекистон Республикаси аэродромларида ва ҳаводаги кенгликларда (ҳаво юклари, чартер рейслари, Давлат авиациясининг парвозлари), парвозларни амалга оширувчи, авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари хавфсизлигини талаб даражасида кўтариб туришни давом эттирмоқда, ўз мутахассисларига иш ҳақи тўлаш, навигацион, локацион, метеорологик ва алоқа ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, эксплуатацион харажатларни киритиш билан тўловларни амалга оширмоқда.

1. Муқаддима

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонаси тўғрисида умумий маълумот

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонаси (бундан буён матнда – ЎАНМ ДУК) давлат унитар корхонаси шакли кўринишидаги тижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

ЎАНМ ДУК фаолиятининг асоси ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш ва парвозларни радиотехник таъминоти ҳисобланади.

«Ўзаэронавигация» Маркази 1990 йил 16 ноябрда ЎзФАБ бошлиғининг 37-сонли буйруғи билан ташкил топган ва 1991 йил 14 ноябрда 612/22-11-сонли Ҳалқ депутатлар кенгашининг Ленин райони Қарори билан Устави рўйхатдан ўтказилган, 1997 йил 30 июнда 340/4-сон билан Тошкент шаҳар Миробод райони Ҳокимининг Қарори билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан янги таҳрирдаги Устав 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан Миробод тумани Ҳокимининг 2008 йил 20 августдаги 03001051-сон Қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

2019 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-5647-сон** Фармони билан корхона Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Корхонанинг янги Устави **2019 йил 4 июлда** рўйхатдан ўтказилди.

Юридик манзили: 100167, Тошкент шаҳри, Мирабадский тумани, Локомотивная кўчаси, 13, ИНН 201052000.

«Ўзаэронавигация» Марказининг устав капитали **1 965 956 420,57** сўм миқдоридида шакллантирилган.

«Ўзаэронавигация» Маркази давлат унитар корхонаси бўлиб ҳисобланади, мулкнинг **100%** давлатга тегишли. ОКЭД бўйича асосий фаолият тури 52230.

ЎАНМ ДУК мустақил юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоб-китобида, ўз-ўзини молиялаштириш асосида амалга оширади ва қуйидагиларга эга: Уставда кўзда тутилган, ишлаб чиқариш фаолиятига мувофиқ ажратилган мулкдан фуқаролик ҳуқуқий лаёқати асосида, оператив бошқариш ҳуқуқларига.

Қонунда белгиланган тартибда ЎАНМ ДУК ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олиш ва амалга ошириши, бурч ва жавобгарликни ўз зиммасига олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, ўз мажбуриятлари учун ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб бериши; Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, давлатлараро шартномаларга зид бўлмаган қарорлар қабул қилиши.

ЎАНМ ДУК ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят аэропортларида жойлашган, таркибий бўлинмаларни киритади, уларнинг асосий фаолияти ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишдан, ҳаво кемалари парвозларини радиотехника таъминоти билан таъминлашдан, электр алоқа бўйича метеорологик хизмат кўрсатишдан иборатдир. ЎАНМ ДУК давлат унитар корхонаси бўлинмаларининг сони, йўналиши, таркиби ва жойлашиши ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва корхонанинг таркибий схемаси билан ўрнатилади.

ЎАНМ ДУК мустақил баланс, банк ҳисоблари, шу жумладан чет эл валютасига эга. Корхонанинг хўжалик фаолияти ЎАНМ ДУКнинг

ихтисослаштирилган хизматларини тақдим этишдан олинган, ўз маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

ЎАНМ ДУК парвозларнинг хавфсизлигини ташкил этиш ва мунтазамлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини таъминлайди, хорижий давлатларнинг ҳаво кемаларини Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтишда умумдавлат масалаларини ҳал қилишда ҳаво мудофааси (ХХМ) ва ҳарбий ҳаво кучлари (ХХК) билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг фаолиятига ташқи шароитларни таъсири

Корхонанинг асосий вазифалари: Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликларида ҳаводаги ҳаракатнинг хавфсизлигини, мунтазамлигини ва тежамкорлигини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан фойдаланувчиларнинг ҳаводаги ҳаракатини бошқариш, ҳаво кемалари (ХК) парвозларини радиотехник таъминлаш, телекоммуникация ва метеорология ва электр алоқаси хизматларини кўрсатишга бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборатдир.

ЎАНМ ДУК Ўзбекистон Республикасида аэронавигация хизматларини кўрсатишда табиий монополист ҳисобланади, рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, хизматлар ўрнини ва истеъмолчиларнинг корхонани ўрнини босувчи бозор ҳокимлигининг кучи пайдо бўлиш хавфи йўқ.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ўзига хос бўлган хусусиятли корхона, Ўзбекистон Республикасида бунга ўхшаш (аналоглари) мавжуд эмас, у мулкчилик шаклидан ва бўйсунушидан қатъи назар, барча авиакомпанияларга кеча-кундуз аэронавигация хизматларини кўрсатадиган ягона мустақил ишлаб чиқариш структураси сифатида фаолият кўрсатади.

ЎАНМ ДУКнинг ташқи шароитларда аэронавигация фаолияти бўйича имкониятлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида классификациясини жорий қилиниши, аниқликка асосланган тавсифли (ПВН) навигациясини жорий қилиниши.
2. (РНАВ) зонал навигация маршрутларини жорий қилиниши.
3. Қўшни давлатларнинг аэронавигация хизматлари провайдерлари билан келишган ҳолда ХХХ кўрсатишнинг янги маршрутларини жорий қилиш/мавжуд бўлганларини тўғрилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш.
4. Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан фойдаланиш тартибини (содалаштириш) оптималлаш.
5. Тасдиқланган Дастур бўйича парвозларни таъминлаш радиотехника асбоб-ускуналарини босқичма-босқич модернизация қилинишини ўтказиш.

Аэронавигация хизматларининг пасайишига ташқи омилларнинг таъсири:

1. *«СОВИД-19» пандемиясини киритилиши муносабати билан йўловчиларни авиаташувининг тўxtатилиши.*

2. Қўйидаги омилларнинг таъсири туфайли Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан транзит фойдаланиш вақтида мавжуд ХҚ оқимининг ўзгариши:

2.1.Мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши.

Масалан:

Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қуролли можаро сабабли Покистон Ислом Республикаси ҳудуди бўйлаб парвоз қиладиган барча авиакомпаниялар учун, Афғонистон Ислом Республикаси томонидан 27.02.2019-й.дан 14.06.2019-й.гача жорий қилинган парвозлардаги чекловлар «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг молиявий фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

2.2. Қўшни давлатларнинг ҳаводаги кенгликларида чеклов зоналарининг мавжудлиги. Масалан: «Капустин яр» Россия/Қозоғистон полигони. Транзит оқими узунлиги минг километрдан ошадиган ХҚнинг учиши учун чекланган ҳудудни четлаб ўтишга мажбур бўлиб, натижада транзит оқими Ўзбекистоннинг ғарбий қисмидан Каспий денгизи орқали ўтади).

2.3. Давлатларнинг авиация ҳокимликлари ўртасида келишувларнинг йўқлиги.

3. Жаҳон иқтисодий инқирози туфайли ҳаводаги кенгликлардан фойдаланувчилар сони камайиши, ҳаво транспорти тарифларининг ошиши, (авиацион ташувлари тарифларининг ўсиши, авиация керосини нархини ошиши);

4. Иқлим омиллари (крейсер эшелонларида шамол йўналиши ва тезлигининг ўзгариши, вулқон ҳаракатлари ва ҳ.к.) туфайли Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида фойдаланувчилар томонидан маршрутларни ўзгариши.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК фаолиятига ички шароитларни таъсири

Корхонанинг кучли томонлари:

- малакали мутахассислар штати мавжуд;
- ЎАНМ ДУКнинг барча таркибий бўлинмалари радиотехника асбоб-ускуналари билан жиҳозланган;
- кўрсатиладиган аэронавигацион хизматлар учун тарифлар соҳасида чет эл авиакомпаниялари учун ягона сиёсат мавжуд (ИКАО тамойиллари) ;
- парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизими (СУБП) жорий қилинган ва кўлланилмоқда.

ЎАНМ ДУКнинг кучсиз томонлари:

- парвозларни радиотехника таъминоти бўйича олий махсус маълумотнинг етишмаслиги;
- парвозларни таъминловчи радиотехника асбоб-ускуналарини доимий модернизация қилиниши талаб қилинади, бунда кўрсатилган асбоб-ускуналар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмагани сабабли, модернизация қилиш чўзилмоқда, чунки давлат харидларини амалга ошириш тартиблари муайян вақтни талаб қилади.
- ЎАНМ ДУКнинг ҳудудий бўлинмаларини тарқалган ҳолда бўлиши ва объектларнинг узоқ жойларда мавжудлиги бошқарув қарорларини оператив равишда қабул қилинишини қийинлаштиради;
- «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ҳудудий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолияти «Uzbekistan Airports» АЖ аэропортларига боғлиқлиги туфайли, натижасида аэропортлар томонидан хизматларнинг оширилган нархлар қиймати ўрнатилади.

2020 йилга «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг Йўл харитаси

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК томонидан 2020 – 2021-йилларга Тадбирлар режаси (Йўл харитаси) қайта кўриб чиқилди (1-Илова), улардан йириклари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Самарқанд аэропортининг реконструкцияси;
2. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларида ХХБ АТ автоматлаштирилган тизимини эксплуатация қилишга киритилиши.
3. Ислон Каримов номидаги Тошкент аэропортига (2 та комплект) ILS / DME дальномер (узоқ масофали) радиомаёқ билан, радиомаёқли кўниш тизимини сотиб олиш ва ўрнатиш;
4. Ислам Каримов номидаги Тошкент аэропортида «Информационный сервер» («Ахборот серверини») дастурли восита – аппарат комплексини кенгайтириш ва замонавийлаштириш.
5. Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ўрнатилган, (КРАМС-4) метеорологик асбоб-ускуналарини замонавийлаштириш;
6. Янги ХХХ кўрсатиш маршрутларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (Ҳаводаги ҳаракатни ташкил этиш);
7. ЕАДга миграциясининг техник қисмини бошланиши;
8. (ПБН) зонал навигация маршрутларини жорий этиш ва бошқа тадбирлар.

«ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (2019 йил факти, 2020 йилга прогноз ва тузатилган прогноз: даври учун)

1-Жадвал

Кўрсаткич номланиши	Ўл. бир.	Факт 2019	Прогноз 2020	Кутилаётган 2020	(кутилаётган прогноз) Чекиниш	
					(+/-)	%
Бозор улуши хажми	%	100	100	100	0	100

Ўргача рўйхат сони	чел	1 362	1 460	1 362	(-) 98	93
Умумий аэронавигация хизматларини кўрсатиш, жумладан	НК	104 241	118 357	55 070	(-) 63 287	47
Ҳаводаги худуддан транзит фойдаланишда	НК	58 983	59 576	36 220	(-) 23 356	61
Аэродром худудида учиш/қўнишни таъминлашда жами, улардан	НК	45 258	58 781	18 850	(-) 39 931	32
Резидентлар	НК	27 292	29 406	11 400	(-) 18 006	39
Норезидентлар	НК	17 966	29 375	7 450	(-) 21 925	25
Маҳсулот реализациясидан соф даромад (товар, иш, хизмат) Умумий, шу жумладан	млн. сум	301 700	411 709	178 896	(-) 232 813	43
Аэронавигация хизматларини кўрсатиш	млн. сум	281 562	384 248	166 964	(-) 217 284	43
Умумий хўжалик фаолиятидан келган бошқа даромадлар	млн. сум	25 478	14 780	33 584	18 804	227
Умумий хажмда экспорт улуши	%	78	85	80		
Маҳсулот таннархи (товар, иш, хизмат)	млн. сум	112 470	130 371	96 975	(-) 33 396	74
Умумий фаолиятидаги хўжалик бошқа харажатлар	млн. сум	156 495	188 521	136 195	(-) 52 326	72
Улардан молия фаолияти бўйича харажатлар	млн. сўм	111 853	113 606	104 200	(-) 9 406	92
Соф молиявий натижа	млн. сўм	53 593	99 315	(-) 20 689	(-) 129 410	(-) 21

2. «ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

«Ўзаэронавигация» ДУКнинг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- жавобгарлик чегаралари доирасида ҳаво кемаларининг аэронавигацион хизматлари;
- алоқа хизматлари;
- флайт - планларни ишланиши бўйича хизматлар;
- ҳаво кемалари парвозларининг метеотаъминоти бўйича хизматлари;
- ҳаво кемаларининг етакчилик (лидированиеси) бўйича хизматлари;
- аэронавигацион маълумотларини нашр қилиш ва тақдим этиш бўйича хизматлари;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар.

Алоқа хизматларини кўрсатиш учун 2016 йил 11 майда АА 0005833-сонли Республика алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Лицензияси

олинди ва маълумотлар узатиш тармоғини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизматларини тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасининг 27.06.2013 йил 27 июндаги АА 0006927-сонли лицензияси олинди.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ТГФ АКБ «Капиталбанк»да валюта ҳисоб рақамларига эга, Тошкент шаҳри, МФО 00445, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасидаги ҳисоб рақами АКБ «ASIA ALLIANCE BANK», Оперу ЎЗР Тошкент шаҳри, МФО 01095.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК таркибига Ўзбекистон Республикасининг аэропортларида жойлашган алоҳида балансга киритилмаган таркибий бўлинмалари киради. Корхонанинг ташкилий тузилмаси ва ходимлар сони Муассис билан келишилган ҳолда Директор томонидан аниқланади ва белгиланади.

Иш ҳажмининг кўпайиши ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишчиларни ходимлар сонини оширмасдан, маълум бир турдаги ишларни бажаришга ходимларни ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий-иқтисод бошқармаси амалга оширади, у ўз ичига Бухгалтерлик ҳисоби ва молия бўлими (БваМБ), Режа-иқтисод бўлими (РИБ), Шартномалар бўлими (ШБ), Меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш бўлими (МТваҲБ), Аэронавигацион йиғимлар бўлимини (АНЙБ) киратади, умумий раҳбарлигини Молия-иқтисод бошқармасининг бошлиғи амалга оширади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКда Бухгалтерлик ҳисоби 30.08.1996-й.даги 279-1-сонли “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига, 29.08.1998-й.даги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Меҳнат, Божхона Кодексларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларига (НСБУ) БҲМС, Бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва вазирликлар ва давлат қўмиталарининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек корхонанинг ички бошқарув ҳужжатларига асосан олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби Тошкент шаҳрида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобида олиб борилади. Бухгалтерия мол-мулк, капитал, мажбуриятлар ва барча хўжалик операцияларини узлуксиз, ўзаро боғлиқ, ҳужжатли акс эттириш орқали натурал (табиий) ва пул шаклида амалга оширилади.

Бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва юритилиши учун жавобгарликни МИБ (Молия Иқтисод Бошқармаси) бошлиғи олиб боради.

Хўжалик операцияларини амалга оширишга рухсат бериш ва дастлабки бухгалтерия ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

Бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ички назорат МИБ раҳбари ва МИБ бўлимларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Корхонанинг марказлаштирилган бухгалтерия бўлимида 01.01.2013 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган, бухгалтерия ҳисоби 1-С «Корхона» дастурига ўтказилган(8.2 версияси).

Иш ҳақининг бухгалтерия ҳисоби алоҳида «Автоматик иш ҳақи тизими» дастури орқали амалга оширилади, барча иш ҳақи ва улар бўйича ажратмалар 1-С «Корхона» дастурига умумий (проводка) ўтказма ёзувлари бўйича киритилади.

“Хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерлик ҳисобларининг счётлари (ҳисоблари) Жадвали ва уни қўллаш бўйича кўрсатмалари” га мувофиқ ишчи ҳисоботлар Жадвали ишлаб чиқилган (5-илова).

Молиявий ҳисобот №1 – НСБУга мувофиқ шакл бўйича тузилади Ф№1 дан ва «Бухгалтерлик балансдан» ташкил топади, Ф№2 –«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», Ф№2а –«Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тўғрисидаги маълумотнома», Ф№4-йиллик- «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», Ф№5- йиллик – «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» ва балансга (Пояснительная записка) Тушунтириш хатидан иборат.

Молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган муддатларда турли ваколатли органларга тақдим этилади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК умумий ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқларни тўловчиси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Бизнес – режага 2 ва 3 Иловалар билан 2019 – 2020 йилларга ЎАНМ ДУКнинг молиявий – иқтисодий кўрсаткичлари бўйича Таққослама жадвал ва 2020 йилга «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг тузатилган молиявий режаси кўрсатилган.

ЎАНМ ДУКнинг СТРУКТУРАСИ ВА ДАРОМАДЛАР ДИНАМИКАСИ АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ДАРОМАДЛАР СТРУКТУРАСИ

2-Жадвал

Номланиши	Улуш (%)
Асосий фаолият даромадлари жами, шу жумладан	100
ХКга кўрсатилган аэронавигация хизматларидан даромад	93,33
Алоқа хизматлари учун даромад	2,19
ХКни метеорологик таъминлаш учун даромад	3,74
ХКни етакчилиги (лидированеси) учун даромад	0,52
Аэронавигацион маълумотларни тақдим этилгани учун даромад	0,09
Флайт-режалар ва ХХХК ахборотларига ишлов берганлик учун даромад	0,10
БПЛ парвозларига рухсат берганлик учун даромад	0,03

ЎАНМ ДУК асосий фаолиятдан даромадлар структурасида аэронавигацион хизмат кўрсатиш 93,33% ни ташкил этади. Ушбу хизмат тури асосий бўлиб ҳисобланади.

Алоқа хизматини кўрсатилиши учун даромадлар – 2,19% ни, парвозларни метеорологик таъминоти учун даромадлар – 3,74% ни, ҳаводаги кемаларни етакчилиги (лидированеси) учун даромадлар – 0,52% ни ташкил этади.

АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ДАРОМАДЛАР ДИНАМИКАСИ

3-жадвал

Кўрсаткич номи	Факт 2019 (млн.сум)	Прогноз 2020 (млн.сум)	Кутилаётган н 2020 (млн.сум)	(кутилаётган прогноз) Чекиниш	
				(+/-)	%
Асосий фаолиятдан жами, шу жумладан	301 700	411 709	178 896	(-) 232 813	43
ҲКга кўрсатилган аэронавигация хизматларидан даромад	281 562	384 248	166 964	(-) 217 284	43
Алоқа хизматлари учун даромад	6 613	9 018	3 918	(-) 5 100	43
ҲКни метеорологик таъминлаш учун даромад	11 278	15 378	6 682	(-) 8 696	43
ҲКни лидирлаш учун даромад	1 584	2 161	939	(-) 1 222	44
Аэронавигацион маълумотларни тақдим этилгани учун даромад	268	965	159	(-) 806	16
Флайт-режалар ва ҲХХК ахборотларига ишлов берганлик учун даромад	310	423	184	(-) 239	43
БПЛ парвозларига рухсат берганлик учун даромад	84	116	50	(-) 66	43

2020 йилга асосий фаолиятдан даромаднинг ўсиши 36% га прогноз қилинган (2019 йилга).

Аммо, «СОВИД-19» пандемияси авиацион соҳага салбий таъсирини кўрсатди. 2020 йил март ойдан бошлаб йўловчиларни авиайўли орқали ташишни бажарилиши учун Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ёпилди. Давлат авиацияси, юк ташиш авиацияси ва чартер рейслари ҳаво кемаларининг парвозлари давом этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК 2020 йил якуни бўйича асосий фаолиятдан **232,8** млрд. сўм миқдориди, шу жумладан ҳаводаги кемаларга аэронавигацион хизмат кўрсатиш учун **217,3** млрд. сўм. миқдориди даромадни олмайди.

Прогноз йил охиригача йўловчиларни ташишни босқичма-босқич амалга оширилишининг шarti билан ҳисобланди.

Аэронавигация хизматларининг экспорти прогнози: - аэронавигация хизматларини 2019 йилга ўсиши 41%га, шу жумладан ҳаводаги кенгликлардан транзит фойдаланишда аэронавигация хизматлари - 47 %га, Ўзбекистон Республикаси аэродромларига ҳаво кемаларининг учиши / кўнишини таъминлашда 29% га режалаштирилган.

Аммо, «СОВИД-19» экспортга жиддий таъсир кўрсатди, корхона 2020 йилнинг 3 ойида (18 мартдан 15 июнгача) қарийб 7,4 миллион АҚШ доллар миқдорида маблағни олмади. 4-иловада, аэронавигация хизматлари экспорти динамикаси 2019 йил факти даврига, 2020 йил прогнозига, 2020 йилгача кутилиши акс эттирилган.

«2016 - 2030 йилларга мўлжалланган «Глобал аэронавигация режаси» талабларига мувофиқ «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан ўтказиш лаёқатини ошириш ва фойдаланувчиларни жалб қилиш стратегияси» ни ишлаб чиқди, у қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан классификация (таснифни) жорий этилиши – лойиҳа амалга оширилган.
2. (РНАВ) зонал навигацияси маршрутларини жорий этилиши. Режалаштирилган амалга оширилиш муддати – 2020 йил IV -чорак.
3. Мавжуд бўлганларини тўғрилаш / янги ХХХ кўрсатиш маршрутларини жорий этиш. Режалаштирилган амалга оширилиш муддати – доимий равишда чегарадош давлатлар ПАНО ва ИКАО иштирокида.
4. Идоралараро гуруҳ фаолияти доирасида, Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликларидан фойдаланиш тартибини оптималлаштириш (соддалаштириш).
Режалаштирилган амалга оширилиш муддати 2021 йил IV-чорак.
- 5.(РБН) аниқликка асослашган навигацияни жорий қилиниши – 2026 йил IV -чорак.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларидан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратади.

Асосий фаолиятдан келадиган бошқа даромадларнинг ўсиши хизматлар сонининг кўпайиши ҳисобига 2% дан 15% гача прогноз қилинган.

Аммо пандемия “Ўзаэронавигация” Маркази ДУК корхонаси томонидан кўрсатиладиган барча хизматларга таъсир кўрсатди, хизматлардан асосий фойдаланувчилар авиакомпаниялар ва авиация корхоналари ҳисобланади.

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИ ЎАНМ ДУК ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ

4-жадвал

Номланиши	Улуш (%)
Умумий харажатлар, шу жумладан	100
<i>Таннарх бўйича харажатлар –жами,шу жумладан</i>	<i>41,11</i>

Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	4,41
Маош ва ЕСП	26,35
Асосий воситалар амортизацияси	5,90
Ишлаб чиқариш бошқа харажатлари	4,45
<i>Даврий харажатлар жами, шу жумладан.</i>	16,32
<i>Савдо сотиқ харажатлари</i>	0,02
<i>Маъмурий харажатлар жами, шу жумладан.</i>	2,13
Ойлик маош ва бошқарув ходимларининг ЕСП	0,60
Моддий-техник, хўжалик ва бошқа харажатлар жами, шу жумладан.	1,53
<i>Бошқа операцион харажатлар, улардан</i>	14,17
Компенсация ва рағбатлаш характеридаги тўловлар	9,77
Маош ёзилишида кўзда тутилмаган тўлов ва харажатлар	0,87
Кадрларни тайёрлашга кетадиган харажатлар	0,03
Соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари	0,14
Мажбурий бюджет тўдовлари, солиқ ва йиғимлар, махсус бюджетдан ташқари ташкилотларга ўтказмалар	0,17
ЕСП	2,24
Соғлиқни сақлаш объектларини қўллашга кетадиган харажатлар	0,02
Бошқалар	0,93
<i>Молия фаолияти харажатлари жами, улардан</i>	40,88
Амалга оширилган тўлов фоизлари	3,19
Салбий курс фарқлари	37,69
<i>Даромад солиғи, бошқа турдаги солиқлар</i>	1,69

Харажатлар таркибида харажатлар таннархи 41,11 % ни ташкил этади, шундан иш ҳақи ва ишлаб чиқариш ходимларининг ягона ижтимоий тўлови умумий харажатлардан – 26,35%;

Умумий харажатлардан асосий воситалар амортизацияси – 5,90% ; ишлаб чиқаришнинг белгиланган ўзга харажатлари – 4,45%, уларга асбоб-ускуналарга дастурли харажатлар киритилган, меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари, божхона тартиботлари, асбоб-ускуналарни сертификатлаш ва ҳ.к.; ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари 4,41,09% ни ташкил этади, уларга электроэнергияси, коммунал хизматлар учун тўловлар, РТТ ускуналарини, метеорологик асбоб-ускуналар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш харажатлари, радиоалоқа харажатлари, ускуна текшируви ва калибрлаш харажатлари, ишлаб чиқариш транспорт воситаларини сақлаш харажатлари, материалларни сотиб олиш харажатлари киради.

16,32% реклама ва сотиш харажатларини ўз ичига олган, давр харажатлари (0,02%);

маъмурий ва бошқарув ходимларини таъминлаб туриш харажатлари - 2,13%, маош ва бошқарув ходимларига ягона ижтимоий тўлов умумий

харажатларнинг 0,6%, моддий-техник, иқтисодий ва бошқа харажатлар умумий харажатларнинг 1,53% ташкил этади.

Бошқа операцион харажатлар умумий харажатларнинг 14,17% ни ташкил қилади.

Молиявий фаолият харажатлари 40,88%, шундан "Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини модернизация қилиш" кредити бўйича фоизлар 3,19%, курснинг салбий фарқлари - 37,69% ташкил этади

Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини модернизация қилиш бўйича кантрактлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Аления Маркони Системз» АЖ ўртасида тузилган, контракти молиялаштириш (Молия вазирлигининг №№ УЗБ-ПЗ, УЗБ-П5 контрактлари) ва ЈВІК (Japan Bank International Cooperation) Япон банки билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида ўтказилган.

Даромад солиғи 1,69% ни ташкил этади.

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ ДИНАМИКАСИ

5-жадвал

Кўрсаткич номи	Факт 2019 (млн.сум)	Прогноз 2020 (млн.сум)	Кутилаётган н 2020 (млн.сум)	(кутилаётган прогноз) Чекиниш	
				(+/-)	%
Харажатлар жами, шу жумладан	273 586	327 873	233 170	(-) 94 703	71
Таннарх бўйича харажатлар, уларданх	<i>112 471</i>	<i>130 371</i>	<i>96 975</i>	<i>(-) 33 396</i>	<i>74</i>
Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	12 055	13 976	10 396	(-) 3 580	74
Маош тўлови ва ЕСП	72 095	80 610	62 556	(-) 18 054	78
Асосий воситалар амортизацияси	16 145	17 217	15 967	(-) 1 250	93
Ишлаб чиқариш бошқа харажатлари	12 176	18 568	8 056	(-) 10 512	43
Даврий харажатлар жами, шу жумладан.	44 641	74 914	31 995	(-) 42 919	43
Савдо харажатлари	<i>68</i>	<i>10</i>	<i>0</i>	<i>(-)10</i>	<i>-</i>
Маъмурий харажатлар жами, шу жумладан.	<i>5 832</i>	<i>20 526</i>	<i>3 303</i>	<i>(-) 17 223</i>	<i>16</i>
Ойлик маош ва бошқарув ходимларининг ЕСП	1 639	2 846	1 948	(-) 898	68
Моддий-техник, хўжалик ва бошқа харажатлар жами, шу жумладан.	4 193	17 680	1 355	(-) 16 325	8
Бошқа операцион харажатлар, улардан	<i>38 741</i>	<i>54 378</i>	<i>28 692</i>	<i>(-) 25 686</i>	<i>53</i>
Компенсация ва рағбатлаш характеридаги тўловлар	26 725	42 684	20 334	(-) 22 350	48
Маош ёзилишида кўзда	2 346	3 357	3 255	(-) 102	97

тутилмаган тўлов ва харажатлар					
Кадрларни тайёрлашга кетадиган харажатлар	84	120	117	(-) 3	98
Соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари	391	560	543	(-) 17	97
Мажбурий бюджет тўловлари, солиқ ва йиғимлар, махсус бюджетдан ташқари ташкилотларга ўтказмалар	473	565	695	130	123
ЕСП	6 142	5 122	1 603	(-) 3 519	31
Соғлиқни сақлаш объектларини қўллашга кетадиган харажатлар	50	72	69	(-) 3	96
Бошқалар	2 530	1 898	2 076	178	109
Молия фаолияти харажатлари жами, улардан	111 853	113 606	104 200	(-) 9 406	92
Амалга оширилган тўлов фоизлари	8 720	8 081	8 240	159	102
Салбий курс фарқлари -	103 133	105 524	95 960	(-) 9 564	91
Даромад солиғи, бошқа турдаги солиқлар	4 621	8 982	0	(-)8 982	-

Харажатларнинг асосий моддалари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш харажатлари (ш.ж. иш ҳақи билан бирга);
- ПРТТ асбоб-ускуналарини эксплуатация қилиш, сақлаш ва таъмирлаш бўйича харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар.

Авиаташувларни кескин қисқаришига қарамасдан, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Ўзбекистон Республикасининг аэродромларида ва ҳаводаги кенгликларида парвозларни амалга оширувчи авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларини хавфсиз парвозларини керакли даражада сақлаб турибди, (юк авиаташувлари, чартер рейслари, давлат авиациясининг парвозлари), мутахассисларига иш ҳақи тўлаш, навигация, локация, метеорологик ва алоқа ускуналарига техник хизмат кўрсатишни, эксплуатацион тўловларни тўлашни амалга оширмоқда.

«Коронавирус» пандемиясининг таъсирини камайтириш учун корхонада қуйидаги чоралар кўрилди:

«Ўзаэронавигация» давлат унитар корхонасининг харажатларни оптималлаштириш дастури ишлаб чиқилди, унга мувофиқ харажатлар қайта кўриб чиқилди: ходимлар қисқа иш кунига ўтказилди, таътиллар (иш ҳақи ёки жадвал бўйича иш берилди), кўшимча тўловлар ва имтиёзлар бекор қилинди, моддий ресурсларни сотиб олиш харажатлари камайтирилди,

хавфсизлик билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар қисқартирилди (8-илова);

- инвестиция дастури қайта кўриб чиқилди (7-илова), унга мувофиқ бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш муддати 2021 - 2022 йилларга қолдирилди.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК «Аления Маркони Системз» (Италия) ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ўртасида тузилган, контракт бўйича кредит мажбуриятларига эга. Контрактни молиялаштириш ҳукумат қафолати остида ўтказилган: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 17.12.1996 йилдаги УЗБ-ПЗ ва 14.12.1996 йилдаги ва ЈВІК (Япония) контрактлари.

Ўзбекистон Республикаси НБУ Ўзбекистон Республикаси ЦОО НБ ВЭД 09.07.1997-й.даги 2026-сон ва 21.12.1998-й.даги Ц-3/11-2004

Асосий қарзни ва кредит бўйича фоизларни тўлаш, тўловлар жадвалига мувофиқ (июн ва декабрда), кейинчалик тўланган суммани ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ўтказиш билан (01.07.2019 йилгача) МАК томонидан амалга оширилган. «Ўзаэронавигация» Марказининг умумий суммадан улуши **57,35%** ташкил этади.

Кредит бўйича ҳисоб-китоб тўловлари, тўлов жадвали бўйича 2026 йилгача амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда, 2018 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5584-сонли Президент Фармониغا асосан, ЈВІК банки билан (Япония халқаро ҳамкорлик агентлигига айлантирилган, Япония халқаро ҳамкорлик банки) кредит келишувини қайта расмийлаштириш тартиби бошланди.

(Япония) ЈВІК банкининг кредитлари

01.01.2008-й. ҳолатига «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКга **9 599,18** млн. япон йени (**109,42** млрд. сўм) миқдорида кредит бўйича қолдиқ берилган.

2020 й.01.01. ҳолати бўйича:

Тўланди:

Асосий қарз - **5 871,72** млн. япон йени (**196,54** млрд. сўм)
кредит бўйича % – **2 761,29** млн. япон йени (**62,84** млрд. сўм)

Қолдиқ:

Асосий қарз – **3 727,46** млн. япон йени (**323,92** млрд. сўм)
кредит бўйича % – **383,55** млн. япон йени (**33,33** млрд. сўм)

2020 йилда:

- Тўланиши лозим бўлган асосий қарз суммаси – **499,06** млн. япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **47,02** млрд. сўм)

- Кредит бўйича фоизлар суммаси – **92,36** млн. япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **8,24** млрд. сўм)
- Жами тўланадигани - **591,42** млн. япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **55,26** млрд. сўм).

Шу жумладан:

2020 йил 20 июнь Тўлови:

Тўланиши лозим бўлган асосий қарз суммаси – **249,53** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **23,51** млрд. сўм)

Кредит бўйича фоизлар суммаси – **47,79** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **4,2** млрд. сўм)

Жами тўланадигани - **297,32** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **27,71** млрд. сўм).

2020 йил 20 декабрь Тўлови:

Тўланиши лозим бўлган асосий қарз суммаси – **249,53** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **23,51** млрд. сўм)

Кредит бўйича фоизлар суммаси – **44,56** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **4,04** млрд. сўм)

Жами тўланадигани - **294,09** япон йени (Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси эквивалентида – **27,55** млрд. сўм).

3. «ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУК ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

- “Ўзаэронавигация” Маркази ДУК ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида қуйидаги хизмат турларини кўрсатади:
 - ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатиш бўйича,
 - алоқа хизматлари,
 - ҳаво кемалари парвозларини метеорологик таъминоти бўйича хизматлари (Ўз.Гидромет билан биргаликда),
 - Ислом Каримов номидаги Тошкент аэропортида ҳаво кемаларини етакчилик қилиш (лидирование) бўйича хизматлари,
 - аэронавигацион маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматлари,
 - ХХХ (Ҳаводаги Ҳаракатга Хизмат) кўрсатиш маълумотлари ва флайт-планларни ишланиши бўйича хизматлари,
 - учувчисиз учиш аппаратлари парвозларига рухсатномаларни бериш бўйича хизматлари;
 - Ўзбекистон Республикаси аэропортларида махсус техника назорат текшируви воситаларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлари.

1. Ҳаво кемаларига аэронавигация хизматларини кўрсатиш.

Аэронавигация хизматлари хусусий ва тасарруфи шаклига қарамай фойдаланувчиларнинг барча тоифалари ҳаво кемаларига кўрсатилади ва қуйидагиларга бўлинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш йўналишида аэронавигация хизматларини кўрсатиш.

Ўз навбатида қуйидагилардан ташкил топган аэродром ҳудудида аэронавигация хизматларини кўрсатиш:

- Ўзбекистон Республикаси аэродромларида кўниш билан (яқинлашув) йўналишида аэронавигация хизматларини кўрсатишдан:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган аэропортларига\дан кировчи\чиқувчи барча йўналишларда парвоз\кўнишини таъминлашда аэронавигация хизматларини кўрсатишдан.

2. Алоқа хизматлари.

Аэронавигация хизматларини сифатли ва узлуксиз алоқа каналлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг барча аэродромларида алоқа каналлари ташкил етилган булар: радиолокацион маълумотларни узатиш учун; радиолокацион ва радионавигацион ускуналарнинг ишлашини назоратини ва дистанцион бошқарувини таъминловчи, радионавигацион ускуналарнинг ишлаш ҳолати ҳақида ахборотни ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктига узатиш, метеорологик маълумотларни тўплаш ва фойдаланувчиларга узатишни таъминловчи биринчи навбатда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктига,масофадан туриб қабул қилиш\узатишни таъминловчи радиоускуналари, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктлари ва ҳаво кемаси экипажи билан алоқани таъминловчи, маҳкамланган авиация телеграф алоқаси (АФТН) махсус авиация маълумотларини узатиш, аэродромда ЎАНМ бўлинмалари билан, аэродромлараро ва аэропортлар орасида ҳаво кемалари парвозини таъминлаш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси аэропортларида жойлашган ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктлари орасида ўзаро ҳамкорликни таъминловчи телефон каналлари ва баланд овозли алоқа, радиолокацион, метеорологик, овозли алоқа каналлари.

ЎАНМ ДУК қурилган ва эксплуатация қилинаётган алоқа тармоқлари ва тизимлари қуввати ташқи корхоналар, шунингдек фуқаро авиацияси парвозларини ташкил этишда қатнашувчи (“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК таркибий бўлинмалари ва аэропорт ҳудудида жойлашган ташкилотларга) шартнома асосида қўшимча молиявий ва моддий қўйилмаларсиз айрим алоқа хизматларини кўрсата олади (телефон алоқаси, маълумотлар узатиш канали ва бошқалар)

3. Ҳаво кемалари парвозларини метеорологик таъминлаш хизматлари.

“Ўзаэронавигация” Маркази ХК экипажларига конкрет аэродромда аниқ метеорологик маълумот, метеорологик ускуналарнинг техник ҳолати ҳақида маълумотлар тақдим этишни таъминлайди.

4. Ислом Каримов номидаги Тошкент аэропортида ХКни лидирлаш (етақчилик) хизматлари.

“Ўзаэронавигация” Маркази Ислом Каримов номидаги Тошкент аэропортида парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларини лидирлаш хизматларини кўрсатади. Шунингдек МАК ХҚни “УАТ” АП техник формасига шатаклашда лидирлаш хизматларини кўрсатади. Хизматлар ХҚ экипажи сўровига биноан кўрсатилади. Хизматлар парвозлар ҳафвсизлигида қўшимча чоралар қўлланиши лозим бўлган ҳолатларда албатта тақдим этилади. Булар қуйидаги вазиятлар: 400 метрдан кам кўриниш, кўриниш секланганда, ердаги ҳаракатлар чекланган ҳолатларида.

5. Аэронавигация маълумотларини тақдим этиш хизматлари.

“Ўзаэронавигация” Маркази аэронавигацион ахборотлар хизмати (ААХ) шартнома асосида қуйидаги аэронавигация маълумотларини тақдим этиш хизматларини кўрсатади:

- Ўзбекистон Республикаси (АИП) тўплами ва унга киритилган тузатишлар;
- МАК аэродромлари бўйича аэронавигацион ахборотлар тўплами, Ўзбекистон Республикаси парвозларни амалга ошириш Йўриқномаси, ҳаво трассалари ва ҳаво линиялари Рўйхатига киритилган тузатишлар;
- Ўзбекистон Республикаси аэродромлари учун (Россия Фуқаро авиацияси аэронавигацион ахборотлар Маркази Федерал Давлат унитар крхонаси) ФГУП ЦАИ ГА (РФА ААМ ФДУК) маҳсулотнинг кузатуви.

6. Флайт-режа ва ХХХК маълумотларига ишлов бериш хизматлари.

ХҚ парвоз режасига ишлов бериш ва узатиш (АТМ ФПЛ) ҳамда ХХХК стандарт маълумотларини тарқатиш (ДЛА, СХГ, ДЕП, АРР, СНЛ ва бошқалар.) Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишни бошқариш ягона тизими оператив органлари барча манзилларига ва ХҚ йўналиши бўйича тарқатиш. Ушбу хизматлар ХҚ экипажи талаби билан амалга оширилади.

7. Учувчисиз учадиган аппаратлар парвозига рухсат бериш хизмати (УУА-БПЛ).

Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун Учувчисиз учадиган аппаратлар томонидан рухсат олиш мақсади - Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишда ҳафвсизликни таъминлашдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишни бошқариш ягона тизими оператив органларининг тўлиқ хабардорлиги, уларни учуриш, парвозлар режасига киритилган фаолияти ҳақида, ахборотларни киритиш, зарур бўлса кўрсатилган ҳудудда вақтинчалик режим ёки қисқа муддатли чеклов ўрнатиш.

КОРХОНАНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСИЙ КЎРСАТИКИЧЛАРИНИ ПРОГНОЗИ

“Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарорига илова) ЎАНМ ДК иш самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичларини (КПИ) ишлаб чиқди.

Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бу баҳолаш мезонлари бўлиб, улар корхонанинг самарадорлигини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин (Бизнес-режага 5-илова - 2020 йилга КПЭ ҳисоби).

САМАРАДОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ПРОГНОЗ (МАҚСАДЛИ) КЎРСАТКИЧЛАРИ

7-жадвал

№	КЎРСАТКИЧ	Меъёр	Солиш тирма микдо Р %	Прогноз (мақсадли) қиймат							
				1 -чорак		1-яримйиллик		9 ой		йил	
				прогноз	Скор. прогноз	прогноз	Скор. прогноз	прогноз	Скор. прогноз	прогноз	Скор. прогноз
1.	Активлар рентабеллиги	0,05	10	0,05	0,06	0,07	(-)0,02	0,11	(-)0,03	0,15	(-)0,04
2.	Абсолют ликвид коэффиценти	0,2	25	1,26	1,74	0,41	0,07	0,23	0,08	0,51	0,08
3.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	1,0	25	7,19	10,00	2,22	2,8	2,9	2,2	5,85	2,19
4.	Кредитор қарздорлик кунлик айланма қайтиши -	< 90	5	16	28	42	71	35	105	21	89
5.	Дебитор қарздорлик кунлик айланма қайтиши	< 90	5	68	129	42	71	54	231	54	196
6.	Қониктириш (тўловқобилияти) коэффиценти	0,2	30	5,72	8,02	1,34	2,43	1,32	1,87	2,51	1,84

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан корхоналарнинг самарадорлигини ва натажадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари жорий қилинди. “Ўзаэронавигация” Маркази ДУК маълумотларига кўра, бу иккита кўрсаткич - аэронавигация хизматларининг экспорти ва транзит рейсларнинг сонидир.

“Ўзаэронавигация” ДУК самарадорлиги ва асосий натижадорлигининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли ги	Прогноз (мақсадли) қиймат			
			1-чорак	1- яримйиллик	9 ой	йил
1.	Аэронавигацион хизматлар экспорти	млн. долл.	7,56	9,02	11,5	16,02
2.	Транзит рейслар сони	ХК	16 753	19 985	24 833	36 220

4. КОРХОНАНИНГ ПУЛ ОҚИМЛАРИ

1. 2020 йил бошланишига сальдо (баланс) – 38 639,79 млн. сўм
 2. Корхонанинг ҳисобига прогноз қилинадиган даромад - бу кўрсатилган хизматлар учун даромад ҳисобланади – 162 216,75 млн. сўм
 3. Корхонанинг харажатлари қуйидагилар ҳисобланади:
 - операцион фаолияти – корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар (шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш)– 109 568,57 млн. сўм;
 - инвестицион фаолият (корхонанинг инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш) – 118 142,48 млн.сўм;
 - корхонанинг молиявий фаолияти – 82 057,83 млн. сўм,
шу жумладан:
 - кредит мажбуриятларини тўлаш – 55 261,33 млн. сум;
 - Давлат бюджетига соф фойдадан 50% миқдордаги ажратмалар – 26 796,50 млн. сўм;
 - солиқ солиш – 8 633,02 млн. сўм
- 2020 йил охирига (-) 116 562,87 млн. сўм. (7-Илова) миқдорда (дефицит) етишмаслик юзага келмоқда.

Корхона томонидан ўзининг вазифаларини бажариши учун қуйидаги ишлар қилинган:

1. Кредит мажбуриятларини тўлаш учун корхона махсус мақсадлар учун фоизсиз қарз олиш тўғрисида илтимос билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мурожаат қилди;

2.Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш бўйича мажбуриятларни бажариш учун 50% миқдорда Давлат

бюджетига ажратмалар учун маблаг ажратиш тўғрисида ариза билан муурожаат қилди.

5. «ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг 2020 – 2021 й.й. ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг барча инвестицион лойиҳалари ПРТТ (парвозларни радио техника таъминоти) асбоб-ускуналарини янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган. Корхонада мавжуд бўлган эскирган ПРТТ асбоб-ускуналари 88% ни ташкил этади.

Мавжуд вазият муносабати билан, «Ўзаэронавигация» ДУК 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини қайта кўриб чиқди, уларнинг бир қисмини 2021–2022 йилларга ўтказди.

8-иловада келтирилган лойиҳалар қопланмайди, лойиҳа фаолиятини амалга ошириш фақат парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади ва корхонанинг кўшимча даромад олишига таъсир қилмайди.

6. «ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Корхона доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликлариға фойдаланувчиларни жалб қилиш ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатларни қисқартириш бўйича ишларни олиб боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликларидан транзин фойдаланиш вақтида ҳаво кемалари парвозларининг трафигига таъсир кўрсатувчи, ташқи омиллар мавжуд: Давлатларда сиёсий вазиятнинг ўзгариши.Кўшни давлатларнинг ҳаводаги кенгликларида чеклов зоналарининг мавжудлиги.

- Давлатларнинг авиация ҳокимликлари ўртасида келишувларнинг йўқлиги.
- Жаҳон иқтисодий инқирози туфайли ҳаводаги кенгликлардан фойдаланувчилар сонини камайиши, ҳаво транспорти тарифларининг ошиши, (авиацион ташувлари тарифларининг ўсиши, авиация керосини нархини ошиши);
- Иқлим омиллари (крейсер эшелонларида шамол йўналиши ва тезлигининг ўзгариши, вулқон ҳаракатлари ва ҳ.к.) туфайли Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида фойдаланувчилар томонидан маршрутларни ўзгариши.
- «СОВИД-19» пандемиясини киритилиши бутун Дунё авиациясининг тармоғи учун янги омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу омилар «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК жавобгарлик зонасида Ҳаво Кемаларининг парвозлар интенсивлигига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин ва ўз навбатида, аэронавигацион хизмат кўрсатиш учун даромадни камайишига олиб келади.

Аэродром районида ҳаво кемалари оқими трафигининг кўпайиши аэропортларга боғлиқ: авиакомпаниялар билан янги шартномалар тузилганда, аэронавигация хизматлари учун шартномалар тузилади.

Корхона доимий равишда харажатларни камайтириш бўйича чоратадбирларни куйидаги йўл билан амалга оширади: (Радио Техника Таъминоти) РТТнинг асосий объектларини модернизация қилиш жараёнида фойдасиз объектларни ёпиш, Тошкент Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш Автоматлаштирилган Тизими (ХХБ АТ) Марказидан ҳаводаги ҳаракат функцияларини ўтказиш билан, (Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш) ХХБ Марказларини кенгайтириш ва ҳ.к.



Директор

МИБ бошлиғи

А.Х.Ашуров

Н.А.Ананова

Ижрочи. РИБ бошлиғи
Шишмакова Е.А.
Тел. (78) 140 27 55

**«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2020 йилга
 Йўл харитаси
 (мероприятия скорректированы с учетом влияния пандемии «COVID-19»)**

№ п/п	Наименование мероприятия	Реализация мероприятия	Срок реализации		Ответственный исполнитель	Примечание
			Первоначальный	Скорректированный		
1	Реконструкция аэропорта Самарканд – контракты заключены по всем лотам					
1.1.	Лот 1. Закупка и установка радиомаячной системы посадки с дальномерным радиомаяком ILS/DME (2 к-та) для аэродрома Самарканд	Поставка и монтаж оборудования, выполнение строительных работ	1 квартал 2020г.	1 квартал 2021г.	Зам. директора по РТОП, начальник управления РТОП	
1.2.	Лот 2. Закупка и установка метеооборудования для аэродрома Самарканд	Поставка и монтаж оборудования, выполнение строительных работ	1 квартал 2020г.	1 квартал 2021г.	Зам. директора по РТОП, начальник управления РТОП	
1.3.	Лот 3. Закупка и установка аэродромного радиолокатора ОРЛ-А для а/п Самарканд.	Поставка и монтаж оборудования, выполнение строительных работ	2 квартал 2020г.	1 квартал 2021г.	Зам. директора по РТОП, начальник управления РТОП	
1.4.	Лот 4. Закупка и установка	Поставка и монтаж оборудования,	2 квартал 2020г.		Зам. директора по РТОП,	

№ п/п	Наименование мероприятия	Реализация мероприятия	Срок реализации		Ответственный исполнитель	Примечание
			Первоначальный	Скорректированный		
